## Давлат дастури — ҳаётга

**«Сен сийласанг қарингни, Оллоҳ сийлар барингни» — халқимизнинг шунга ўхшаш мақол-маталларида олам-олам маъно бор.**

**Кекса бобоси ё момоси бор хонадонни одамлар бадавлат, фариштали хонадон, деб улуғлашади. Қариялардан инган давлат нима? Бу кўп йиллик ҳаётий тажриба. Бу қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги иноқлик, меҳрибонликни мустаҳкамлайдиган меҳр-оқибат ипи. Бу унча-мунча келишмовчиликларни, гина-кудуратларни, ўзаро тушунмовчиликларни ёйиб, ювиб юборадиган донолик-донишмандлик булоғи.**

# КЕКСАЛАР ИБРАТИ — УМРИМИЗ МАЁҒИ

Кекса одам ортиқча варақлари тўкилиб фақат ойдин-ёрқин саҳифалардангина иборат бўлиб қолган китобга ўхшайди. Кексалик бу ўтган умрни тарозига солиб кўриш бекатидир. Бу беш кунлик дунёда одамзотдан фақат ва фақат яхшиликлар қолишини англаш бекатидир. Ана шу табаррук бекатдан туриб бобо ва момоларимиз фарзандларига, невара, эвараларига инсон умрининг ушбу қаймоқ ҳақиқатини, ҳикматини тарғиб этадилар, уларнинг шуурига сингдирадилар. Эртанги кун, келажак бизнинг кўзимизга ҳамиша ёрқин, бахтли сония бўлиб кўринади. Кексаларимиз эса кечаги куннинг, бугуннинг ғуборлари эртанги кунга ўтиб кетмасликларига алаҒда бўлиб турувчи посбондир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорини ўқиганимда, ундаги «Кексаларни қадрлашдан иборат халқимизга хос асрий анъаналарни, оилаларда тинчлик ва тотувлик, жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришга уларнинг қўшаётган муносиб ҳиссасини ёритиш ва тарғиб этишда...» деган сатрларга кўзим тушганида мен шуларни ўйладим.

Айримлар, худо умр берса, бандаси қарийди, узоқ яшайди, деб бизнинг қариялар ҳақидаги фикрларимизни жўнлаштирмоқчи бўладилар. Бу гапда ҳам жон бордай. Ахир инсон умри, ризқ-насибаси — Яратгандан. Лекин...

... Олтинсойдан мен Кенжаев Худойберди бобони биламан. 114 ёшга кирипти. Қўлида ток кесадиган қайчи — ҳалиям ишлайди. Ҳалиям китоб ўқийди. Бободан узоқ умр кўришнинг сирини сўрасангизми... — Ўзимни ва худони билдим, — дейди. — Бировга ғараз, бахиллик кўзи билан қарамадим. Дуч келганга яхшилик қилдим. Иложим етганча-да. Қаноатли бўлсанг, кечиримли бўлсанг, болам, ҳовлиқмайсан. Шошилмайсан. Оёғинг тоймайди. Ором олиб ухлайсан...

Бобонинг 200 дан зиёд невараси, эваралари бор. Қавмларининг ўзи — бир қишлоқ. Уларнинг бағри бутун, кўнгли хотиржам, рўзғорлари обод. Чунки бобонинг ибрати, ўгитлари бу хайрли холатга мувозанат, маёқ бўлиб турипти.

Ўзим билган, таниган бошқа қариялар ҳаётини кузатиб айта оламанки, фарзандлар, қавмлари бошида соғ-омон бўлиб, уларнинг бахт-иқболини кўришга мушарраф бўлиш, узоқ яшашда ҳам ҳикмат, хосият бор. Ана шу ҳикмат ва хосиятни қадрлай билган эл-улусга ҳам, табиийки, ҳикматлар ва хосиятлар инади.

Бир мисол. Қумқўрғондаги Сафар Бойматов номли хўжалик раиси Эргаш Жумаев олтмиш бешга кирди. Ҳали ўзи бардам. Ишлари — аъло, 6 минг гектарда қарсиллатиб деҳқончилик қилиб турибди.

Жумаев элнинг ичига кириб боролган одам. Ва аввало, ҳамон ёши улуғлар билан бамаслаҳат, бақамти ишлайди. Чигит экиб бошлаётганларидами, ё ғалла етиштириш режасини бажарган кунимми, албатта, мўйсафидларни йўқлайди. Бир пиёла чой устида улар билан кенгашиб, гурунглашиб, маслаҳатлашиб олади. Бундай гурунгларга, табиийки, ёшларни чорлайди. Жумаев ёшларга талабчанроқ, қаттиққўлроқ. — Ҳозирги ишларни қийин деб елкаларингни қисманглар. Қийин ишларнинг қандай бўлганини, ана, боболарингдан сўранглар. Ана шундан сўнг бобо-момоларингни, ота-оналарингни қўлларингнинг кафтида олиб юрадиган бўласизлар, хор бўлмайсизлар, дейди раис.

Халқимизда, олтин олма, дуо ол, деган гап бор. Кумуш момо деган ёши тўқсондан ошган момомизнинг айтишларича, шу озод Ватан, шу мустақил юрт бугун назаркарда қарияларнинг дуосига сазовор бўлиб турипти. Кексалар дуоси ижобат бўлгай. Қарию ёш — жами фуқаро-фарзандларининг пешонасини силаган мамлакатнинг тақдир пешонаси ҳамиша ярқираб тургай.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН-НАТО: ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

## Баъзи бир маълумотлар

Шимолий Атлантика иттифоқи (НАТО) 1949 йилнинг 4 апрелида 12 та давлат раҳбарлари (Бельгия, Дания, Исландия, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Буюк Британия, АҚШ, Франция) иштирокида Вашингтон шартномаси имзолангач ташкил топган. НАТОнинг жорий этилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг умумий хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги 51-моддасига тўла мос келади. 1952 йилда Греция ва Туркия мазкур уюшмага қўшилган бўлса, кейинчалик Германия Федератив Республикаси (1955 й.) ва Испания (1982 й.) ҳам НАТО аъзолигига қабул қилинди.

НАТОга аъзо давлатлар раҳбарларининг 1997 йилнинг июлида Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувида Венгрия, Польша ва Чехия Республикасининг Шимолий Атлантика иттифоқи таркибига қўшилиш масаласи кўриб чиқилган. Шундай қилиб, НАТО айни кунда 19 та давлатни бирлаштирган. Вашингтон шартномасининг 10-моддасига асосан мазкур уюшманинг фаолиятини ривожлантириш ва минтақада умумий хавфсизликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиш истагидаги мамлакатлар НАТОнинг тўлақонли аъзоси бўлиши мумкин.

1999 йилнинг 4 апрелида 50 йиллик юбилейини нишонлаган Шимолий Атлантика иттифоқи XX асрнинг адоғида — совуқ уруш сиёсатининг барҳам топиши натижасида шу пайтгача амал қилиб келган фаолият йўналишларини бир қадар ўзгартирди. Бундай янгиланиш ҳозир ҳам давом этмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги НАТОни фақат ҳарбий ташкилот деб аташ унчалик тўғри бўлмайди.

1994 йилнинг январь ойида НАТОга аъзо ва ҳамкор давлатлар (жами 44 та мамлакат) иштирокида "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури қабул қилинган. Унда Ўзбекистон ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, АҚШнинг Луизиана штатида бўлиб ўтган "Кооператив наггет" ҳарбий-ўқув машқларини мисол қилиб келтириш мумкин. ("Халқ сўзи", 8-10 январь 2002 йил, "Америка заминидаги жасорат"). Ушбу дастурнинг амалий жараёнини уюшма таркибидаги Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СЕАП) мувофиқлаштириб боради.

НАТОнинг рамзи ҳисобланган эмблема 1953 йилда қабул қилинган. Ундаги айлана чизиқ бирдамлик ва ҳамкорликни англатса, компас миллари барча аъзо мамлакатлар танлаган умумий тинчлик йўлига ишорадир.

**"Қўллар хавфсизликни таъминлашнинг бугунги долзарб муаммоларини ечиш билан банд бўлиши, кўзлар эса эртанинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўладиган эҳтиёжни олдиндан кўра билиши керак**!". НАТОнинг амалий шиори ана шундай. Бунга қай даражада эришилаётганлиги ёхуд амал қилинаётгани ҳақида туркум мақолаларимизда батафсил ҳикоя қилишга ҳаракат қиламиз.

### Муқаддима ёхуд илк таассуротлар

Тошкент-Париж йўналиши бўйлаб учган ҳаво кемасининг сардори самолёт 10300 метр баландликка кўтарилгандан кейин хавфсизлик камарларини ечишга рухсат берди. Шунда кўпчилик йўловчилар ўрнидан туриб газеталар тахлами томон юришди. Кимдир "Халқ сўзи"ни, яна биров "Народное слово" ёки "Правда Востока"ни, бошқаси эса хориж даврий нашрларини қўлига олиб жойига қайтишди. Улардан бирини суҳбатга тортдим:

— Нима учун айнан "Халқ сўзи"ни танладингиз? Ахир у ерда чиройли қилиб безатилган рангли газеталар ҳам борку!?

— Сурат эмас, сийрат муҳим дейишади. Мен халқаро муносабатларга қизиқаман. Сиз айтаётган "ранг"ларда бу жараённинг аксини топиш қийин. "Халқ сўзи" эса бошқа гап. Ўзбекистон қайси мамлакатлар билан ҳамкорлик қилаяпти, хорижлик сиёсатдону сармоядорларнинг Ватанимизга катта қизиқиш билан қараётганининг сабаби нимада, республикамизнинг НАТО, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ каби нуфузли ташкилотлар билан муносабатлари қанақа, бу саволларнинг барчасига шу газетадан аниқ жавоб топишингиз мумкин.

— Илгари сиз тилга олган НАТОни агрессив ҳарбий ташкилот деб аташарди. Халқаро муносабатларга

### Шарҳловчи нигоҳи

қизиқувчи киши сифатида айтингчи, ҳозир ҳам шунақами?

— НАТОнинг ҳарбий-сиёсий уюшма эканлиги кундай равшан. Агрессивлигига келсак, мен бунга қўшилмайман. Бундай тушунча тоталитар тузумга хос мажбурий мафкура натижасида шаклланган. Ўз навбатида Ғарб собиқ СССРни агрессив мамлакат деб билган. Замон ўзгариши, совуқ уруш сиёсатининг йўқолиши билан бундай ноҳолис ёндашувларнинг ҳаммаси аста-секин барҳам топаяпти.

Албатта, суҳбатдошим менинг бир нечта ҳамкасбларим билан биргаликда НАТОнинг бугунги фаолиятини яқиндан ўрганиш мақсади сафар тўнини кийганимизни билмасди. Шундай эсада самолётда танишган ҳамюртимнинг фикрлари боисми ё бошқа сабаб сафар таассуротлари ҳақида ёзажак мақоламнинг ибтидосида Шимолий Атлантика иттифоқининг тузилиши ва ғоявий мақсадига назар ташлаб ўтишни дилимга тугиб қўйдим.

Етти соатдан ортиқроқ вақт давомида парвоз қилган А-310 русумли самолёт Парижнинг Шарл де Голь аэропортига келиб қўнди. Ҳаво кемасидан чиқишимиз билан кўзимиз электрон табloларга тушди. Уларнинг деярли ҳаммасида евро пул бирлигининг рамзи тасвирланган.

— Бу ҳам халқаро муносабатларнинг бир кўриниши, — дедим ҳамроҳимга. — Европа қитъасининг 12 та мамлакати 2002 йилнинг 1 январидан ягона валюта тизими жорий этишди. Молиявий муносабатлардаги янгича ислоҳот қандай самара беришини эса вақт кўрсатади.

### НАТО қанақа ташкилот?

Мазкур муассасада хизмат қиладиган катта-кичик ходимлар тез-тез такрорлайдиган гап бор: бизнинг ташкилот ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида демократик тамойилларга асосланган ҳолда тўқсон тўққиз фоиз очиқ ҳолда ишлайди. Бироқ энг яқин дўстлар орасида ҳам маълум сир бўлганидек, НАТОнинг ҳам айрим ёпиқ саҳифалари мавжуд дейди улар. Бундай фаолият бир фоиздан ошмайди. Демак, Шимолий Атлантика иттифоқининг эшиклари ушбу ташкилот билан ҳамкорлик қилишни истаган ҳар қандай давлат вакилларига маълумот алмашиш ва турли даражадаги маслаҳатлашувлар учун доимо очиқ. Фақат бунинг учун унга мурожаат қилиш керак. НАТО ана шунақа ташкилот.

Шимолий Атлантика иттифоқининг қимматли вазифаси шундаки, у турли масалаларда кенг миқёсда ҳамкорлик қилади, муҳим робита вазифасини ўтайди. Мавжуд муаммони ҳал қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишда кўмаклашади, маслаҳатлар беради. Бундай маслаҳатлар хоҳ ҳарбий-сиёсий, хоҳ ижтимоий-иқтисодий, ҳатто илмий йўналишларга алоқадор бўлиши мумкин. Масала моҳиятига ана шу нуқтаи назардан қаралгандагина мазкур уюшманинг имкониятлари ойдинроқ кўринади. НАТО ана шунақа ташкилот.

Шимолий Атлантика иттифоқининг фаолият кўрсатишидан асосий мақсад барча аъзо давлатларнинг эркинлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилишдан иборат. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида кўрсатилган тамойиллар ушбу жараённинг ҳуқуқий асоси қилиб танланган. Модомики, инсон ҳуқуқларининг поймол этилмаслиги ва қонун устуворлигини таъминлаш, Шимолий Атлантика минтақасида адолатли жамият ва мустаҳкам тинчликни қарор топтириш ташкилот фаолиятининг ўқ илдизи десак муболаға бўлмайди. Совуқ уруш сиёсатининг тугаши билан бу жараён янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, НАТОнинг ташкил топган кунидан йигирманчи асрнинг 90-йилларигача бўлган фаолиятидаги асосий йўналиш Шарқдан кутиладиган хавфга қарши муносиб зарба бериш учун ҳарбий салоҳиятни — жанговар шайликни оширишга қаратилган эди. НАТО ана шунақа ташкилот.



### Кечагидан бугунгисининг фарқи

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий тикланиш даври (1945-1949 й.) деб аталган қийинчиликларга рўбарў келган Ғарбий Европа мамлакатлари ва уларнинг шимолий америкалик иттифоқчилари собиқ СССРдаги экспансионистик интилишларни хавотир билан кузатиб туришарди. Советлар ҳукуматининг уруш пайтида шакллантирилган ортиқча миқдордаги қуролли кучларни сақлаб қолишга ҳаракати кучайгани, бундан ташқари, якка ҳукмрон коммунистик партиянинг ўзи кўзлаган мақсадларини амалга оширишдан тўхтатиб қолиш учун БМТнинг Низомида кўрсатилган талаблар ҳамда халқаро келишувлар камлик қилиши уларнинг хавотирига сабаб бўлганди.

1947-1949 йиллардаги қатор сиёсий-драматик воқеалар юқоридаги хавотирлар асоссиз эмаслигини кўрсатди. Жумладан, Норвегия, Греция, Туркия ва бошқа Ғарбий Европа давлатлари суверенитетига хавф солинганини, Чехославакиядаги тўнтаришни, Берлин қамалини (1948 йил, апрель) мисол қилиб келтириш мумкин. НАТО ана шундай шароитда Европада тинчлик ва эркинликни ҳимоя қиладиган ҳарбий уюшма сифатида юзага келди. Аммо ўша пайтдаги Шимолий Атлантика иттифоқи билан бугунги ташкилот амалга ошираётган ишлар тубдан фарқ қилади.

НАТО фаолиятининг янгиланиш жараёни 1991 йилдан бошланди десак хато қилмаймиз. Айнан шу йилнинг ноябрь ойида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Рим шаҳридаги учрашувида қабул қилинган стратегик концепция хавфсизликни таъминлашга ёндошишнинг сиёсий музокаралар ва ҳамкорликка асосланган кенг йўналишларини белгилаб берди. Мазкур концепция НАТОнинг сиёсий ва ҳарбий қарашларини бир мақсадга бирлаштиргани, уюшма қаноти остидаги қуролли кучларнинг жанговар шайлиги ва миқдорини камайтиргани билан ҳам аҳамиятлидир.

Брюссель шаҳрида (1994 йил, январь) бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувда НАТО хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича янги ташаббус билан чиқди. Мазкур ташаббус натижасида 44 та давлатни бирлаштирган "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Унда Ўзбекистон ҳам фаол иштирок этмоқда.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» шарҳловчиси.**
**Париж-Брюссель-Тошкент.**

*(Давоми кейинги сонларда).*

## Йилнинг энг...лари аниқланди

«Ўзбекнаво» гастроль концерт бирлашмаси, «Ёшлар» телеканали ҳамда «Тарона - Records» компаниялари ҳамкорликда шу йилнинг 23 февралида «Халқлар дўстлиги» саройида ўтган йили тингловчилар эътиборини қозонган санъаткорларни тақдирлаш ҳамда уларга оқ йўл тилаш мақсадида «Тарона-2002» тақдимот маросимини ўтказади. 2001 йилдаги уларнинг фаолияти қуйидаги тартибда баҳоланган. «Йилнинг энг зўр эркак хонандаси» — Улуғбек Отажонов. «Йилнинг энг зўр аёл хонандаси» номинациясига Озода Нурсаидова лойиқ деб топилди. Миллий эстрада жанрида энг зўр гуруҳ «Хўжа» гуруҳи бўлди. Шунингдек, «Болалар» гуруҳи» (замонавий эстрада мусиқаси жанрида энг зўр гуруҳ), Виталий Золотарёв (Энг зўр бастакор), Шаҳноза Саидқосимова (қўшиқлар учун шеър ёзувчи энг зўр шоир), Вагиф Зокиров. (энг зўр аранжировкачи), «Фаёд» гуруҳи (энг зўр саҳна имиджи), «Дадо» гуруҳи («Йилнинг кашфиёти) ҳам ўндан ошиқ номинациялар соҳиби бўлган.

«Тарона—2002»

Концерт дастурида ёшларнинг севимли хонандалари дилрабо куй ва қўшиқлар ижро этадилар.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**Фазлиддин САТТОРОВ.**

## Мушоҳада

**Ҳозирда Афғонистонда тузилган муваққат ҳукумат аввало мамлакатда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки халқ хўжалигини тиклаш, янги давлатчилик асосларини шакллантириш сингари муҳим масалаларнинг биронтасини бу ерда тинчликни ўрнатмасдан ҳал этиш мумкин эмас. Бу кундек равшан. Бугунги кунда эндигина бунёдкорлик юмушларини амалга оширишга киришаётган афғон халқи халқаро терроризмнинг бу давлатда содир этган машъум, қирғинбарот ишларини унутмаслиги аниқ. Чунки нафақат афғонистонликлар, балки бутун инсоният тарихий-маданий меросга қарши қаратилган ваҳшийларча муносабат ва шафқатсиз жиноятнинг гувоҳи бўлди: Афғонистонда толиблар замонавий қуроллар билан Бомиёндаги Бидданинг улкан ҳайкалларини вайрон қилдилар.**

# ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР

## Афғон заминининг кўркига айлансин

Ўтган йили ноябрь ойида Парижда ЮНЕСКО конференциясининг 31-сессиясида тарихий-маданий меросни қасддан вайрон қилишга қарши Декларация лойиҳасини тайёрлаш бўйича қарор қабул қилинди. Жаҳон ҳамжамиятининг ушбу бебаҳо ёдгорликларни вайрон этишни тўхтатиш ҳақидаги даъвати Будда ҳайкалларини нобуд қилишнинг олдини ололмади. Минг афсуски, Афғонистон тарихий ва маданий ёдгорликларининг нобуд этилиши тарихнинг биринчи ҳодисаси эмас.

Афғонистон ўзига хос қадимий маданият юрти. Милоддан аввалги V-IV асрлардаёқ Кичик Осиё шаҳарларида яшаган юнон тарихшунослари сирли Ҳиндистонга яқин ҳудудларда бу мамлакатнинг Дрангиана, Арахосия ва Ария сингари ғаройиботларга тўла вилоятлари борлигидан огоҳ эдилар. Беш минг йил бурун афғон Бадахшони тоғларидан олтин, кумуш ва зеб-зийнат учун ишлатиладиган лаъл қазиб олинган. Лаълдан ясалган заргарлик буюмлари Месопотамия шаҳарлари ва Миср фиръавнлари мақбараларидаги археологик қазув ишлари пайтида топилган. Афғонистоннинг ўзига хос тарихий-маданий музейлари мавжуд бўлиб, уларда Ўрта Шарқ қадимий ва ўрта аср маданиятининг барча даврларини ўзида мужассам этган кўплаб археологик ёдгорликлар ўрин олган.

Зироатчилик маконлари Мўндигак ва Дашли, Амударё бўйидаги Хараппа маданиятига тегишли савдо мажмуи бўлмиш Шўртўқай, 2700 йил олдин бунёд этилган ўз даврида «уммул-билод» («шаҳарлар онаси») лақаби билан улуғланган Балх шаҳри, 20 мингдан ортиқ юксак бадиий қимматга эга бўлган буюмларни мужассам этган Тиллатепа, юнонлар шаҳри Ойхоним, Кушон подшоларининг муҳташам сулолавий мақбара-ибодатхонаси Сурхкўтал, Хадда ва Бегром бадиий буюмлар хазиналари, Бомиён Будда ҳайкаллари, машҳур Ҳирот ёдгорликлари — буларнинг барчаси Афғонистон эди. Олимларнинг Кушонлар сулолавий тарихи ҳақидаги тасаввурини тубдан ўзгартириб юборган Боғлон вилоятининг Работак ёдгорлигидаги тошга битилган Бақтрия ёзуви, шунингдек, Ҳиндикуш ғоридан топилган бақтрия қўлёзмалари маҳаллий цивилизациянинг буюклигидан гувоҳлик беради. 20 мингдан ортиқ буюмлардан иборат Тиллатепа олтин хазинасининг тақдири бугунги кунда номаълум. Ваҳоланки, унинг тадқиқ этилишида ўзбекистонлик археологларнинг улуши катта. «Афғонистонда топиб текширилган олтин буюмлар Тутанхамон мақбарасида топилган хазина билан рақобатлашиши мумкин» — деб ёзган эди ўз пайтида «Нью-Йорк Таймс», газетаси. Бегромдан топилган фил суягидан ясалган бебаҳо ажойиб буюмлар Покистонда сотувга қўйилган, баъзилари ҳатто Лондонда пулланган. Бомиён ғорларидаги машҳур буддавийлик санъати обидалари — рангли тасвирларга гулханлар оловидан катта путур етди. Зеро, бу ғорлардан толиблар ҳарбий лагерлар ўрнида фойдаланиб, гулханлар ёқишган.

Қобул Миллий музей коллекциясидаги энг ноёб, қимматбаҳо буюмлар талон-торож ва нобуд этилди. Гардез вилоятида Мир-Зоҳак муқаддас кўли яқинидан топилган улкан хазинанинг бир бўлаги ҳисобланган қадимги тангалар Швейцарияда пулланди. Уларни маблағ ажратиб сотиб олмоқчи бўлган ЮНЕСКО ҳам қутқазиб қола олмади. Бу ердан топилган ноёб буюмлар, қадимги санъат асарлари ҳам бошқа мамлакатларга ўтказиб юборилди.

Бомиён толиблардан озод этилгач, дунё телекомпаниялари тоғ бағридаги улкан меҳробларни кўрсатишди. Кўп асрлардан буён уларда Будданинг улкан ҳайкаллари қад ростлаб турган. Меҳроблар замбарак ўқлари излари билан ҳувиллаб ётарди. Гўё бу ерда азалдан ҳеч нарса бўлмагандек. Йиллар ўтади, Бомиён ҳайкаллари, минг афсуски, афсона-ривоятга айланади. Зўравонлик тантанаси ва фожиа авлодлар қалбида доғ бўлиб қолади.

Бомиён ёдгорликлари кўп қисмининг вайрон этилиши — бу зўравонлик ва ёвузликка асосланган, инсон ва унинг бунёдкорлик фаолиятига қарши қаратилган вайронагарчилик мафкурасини амалга ошириш, долзарб ҳаётий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишдан воз кечиш, халқаро терроризмнинг жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқларига қарши қаратилган кўпорувчилик хатти-ҳаракатларининг оқибатидир. Буларнинг барчаси кўплаб давлатлар ҳарбий-сиёсий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, халқаро хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда ўзаро алоқаларнинг янги меъёрларини ва жаҳон цивилизациясини сақлаб қолиш вазифаларини амалга оширишни тақозо этарди. Шу туфайли Афғонистонда терроризм марказларини йўқотишга киришган мамлакатлар ҳамкорлиги вужудга келди.

Тарих сабоқлари шундан далолат берадики, цивилизацияга қарши йўналтирилган вайронагарчилик мафкурасининг ҳеч қачон келажаги бўлмаган. Тарихий-маданий мерос фожиаси, Афғонистон халқи фожиаси қайтарилмаслиги лозим. Эртани, келажакни назарда тутайлик, чунки дунёни инсон ақли тантанаси, бунёдкорлик, эзгулик ва тинчликка абадий интилиш бошқариши лозим.

**Э. РТВЕЛАДЗЕ,**
**ЎзРФА академиги.**
**А. САЪДУЛЛАЕВ,**
**тарих фанлари доктори.**

**"Торсуна-Хосиятлик" ҚК**
**Италия асбоб-ускуналарида қуйидагиларни ишлаб чиқаришни бошлаганини эълон қилади:**

- *пиво, маъданли сув ва мева ичимликлари учун мўлжалланган рангли тасвирли КРОНЕНТИҚИНЛАР*
- *АЛЮМИНИЙ ҚАЛПОҚЧАЛАР "бурама".*

Тел.: (99871) 173-83-43, 78-34-23, 137-06-66.
Факс (99871) 133-06-66. E-mail: torsuna@infonet.uz

Ташкилот, хусусий тадбиркор ва турли мулк шаклидаги фирма раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ «МАТЛУБОТСАВДО» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТИЗИМИДАГИ

ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИ УЛГУРЖИ САВДО БИРЛАШМАСИ

ГЎШТ ВА БАЛИҚ КОНСЕРВА МАҲСУЛОТЛАРИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН

ТЕНДЕР САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 40 «А»-уй.
Вилоят давлат таъминоти улгуржи савдо бирлашмаси.
Телефонлар: (36922) 6-48-06, 6-50-90, факс: 6-48-06.

# УЧҚЎРҒОННИНГ «ҲУМО»СИ



Мустақилликнинг ўн йиллиги нишонланган йил Учқўрғон тумани ёшлари учун унутилмас бўлиб қолди. Айни байрам шодиёналари пайтида спорт соғломлаштириш маркази ишга тушди. Ҳозир бу ерда спортнинг 10 тури бўйича 500 нафарга яқин ўқувчи ёшлар машғулотлар ўтказишяпти. Айниқса, марказ қошида чим устида хоккей бўйича «Ҳумо» жамоаси тузилгани диққатга сазовордир. Мазкур жамоа бугунги кунда республикамизда ўз ўрнига эга бўлди. Ўтган йилги Ўзбекистон кубоги мусобақаларида «ҳумо»чилар ғолибликни қўлга киритдилар. Бу ютуқда жамоа бош мураббийи Шавкатжон Нишонов, мураббийлар Шоҳиста Дадахонова, Назокат Мамажонова, Аҳмаджон Раҳматовларнинг хизматлари беқиёсдир.



*СУРАТЛАРДА: «Ҳумо» жамоаси бош мураббийи Ш.Нишонов; спорт соғломлаштириш марказининг умумий кўриниши.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# «ВАТАНПАРВАР» — шижоат ва мардлик мактаби

*Жараён*

Ҳарбий хизматни қайси ўспирин орзу қилмайди дейсиз. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ана шу ниятга қанот бағишлаётгани ҳар қадамда сезилади. Буни Навоий вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда спорт-техника клублари сони ошди. Ҳарбий-амалий аҳамиятга эга оммавий касб ходимларини тайёрлаш йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Қуролли Кучлар сафига чақирилувчи ёшларни ҳарбий-техник мутахассисликларни эгаллашларига масъулият билан ёндошилмоқда.

336 та бошланғич ташкилот 160 мингдан ортиқ ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спорт-техник клубларга жалб этиш билан шуғулланаяпти. Умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлардаги бошланғич ташкилотлар фаолиятида туб ўзгаришлар содир бўлди.

Вилоятда мотокросс, картинг, ҳарбий амалий кўпкураш, парашютдан сакраш, ёзги биатлон, армрестинг каби турлар жуда тез ривожланди. Бундай клубларда 11 мингдан ортиқ ёшлар мунтазам шуғулланмоқдалар.

Мана, бир неча йилдирки, вилоят мотопойгачилари республикада биринчиликни қўлдан бермаяпти. Парашют спорти бўйича ҳам ютуқлар салмоқли. Ҳар йилги картинг мусобақаларида навоийликларнинг ўз ўрни сезилиб турибди. Пневматик милтиқдан отиш, ҳарбий, амалий кўпкураш клублари аъзоларининг муваффақиятлари янада қувончли. Юзлаб ёшлар ана шундай клуб ва тўгаракларда ўз маҳоратларини оширгач, Ватан ҳимоясига отланишаяпти.

Қизилтепа туманида картинг спортига иштиёқмандлар кўп. Мусобақани минглаб кишилар томоша қилишади. Ҳомийлар ҳам етарли. Республика мусобақаларида совринли ўринлар қўлга киритилмоқда. Бунда тажрибали йўриқчи Ринат Талямовнинг хизматлари алоҳида бўлаётир. Айни пайтда ҳам клубда 65 нафар ўғил-қиз ўз маҳоратларини ошираяпти.

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари хатирчилик ўсмирларни республикага танитди. 16 мингдан ортиқ ўқувчилар «Ёш саркарда», «Ёш биатлончилар» тўгараклари аъзоларидир.

Оммавий мудофаа тадбирларини ўтказиш Навбаҳор туманида ўзгача тус олди. Навоий ва Зарафшон шаҳарларидаги автомобиль мактаблари халқ хўжалиги учун бир неча ўнлаб мутахассислар тайёрлаб бермоқда.

— Бизнинг асосий мақсадимиз мамлакатимиз мудофаа қудратини оширишга қаратилган тадбирларни кўпайтириш орқали чақириққача бўлган ёшларни тайёрлаш, уларга ҳарбий техника сирларидан таълим беришдир, — дейди мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси Саримсоқ Жўрабеков.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Дзюдо*

## Токиодан медаль нақд. Навбат — Москвага

Яқинда мамлакатимиз дзюдочилари Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақадан зафар билан қайтишди. Терма жамоамиз аъзоси Эгамназар Акбаров 73 кг. вазнда ярим финалгача бўлган барча баҳсларни ғалаба билан якунлаб, 3-ўринни қўлга киритди.

Шу кунларда вакилларимиз Москвада ўтаётган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя этишмоқда. Полвонларимиздан С. Зокиров (60 кг), С. Петрянин (66 кг.), А. Штурбабин (73 кг.), Л. Йўлдошев (81 кг.), Д. Каменский (100 кг.)лар ҳозиргача саралаш беллашувларини муваффақиятли ўтказишиб, ғолиблик сари дадил одимлашмоқда.

*Оқ олимпиада*

## Солт-Лейк-Сити довони яқин

Маълумки, 8-24 февралда АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида XIX қишки Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли мусобақада 70 дан ошиқ давлат спортчилари қаторида бизнинг вакилларимиз ҳам оқ олимпиада медаллари учун курашишади.

Айни кунларда Ўзбекистон спортчиларидан Татьяна Малинина, Роман Скорняков, Наталья Понамарёва ҳамда Евгений Свиридовлар (фигурали учиш) ўша ернинг ўзида мусобақаларга ҳозирлик кўришмоқда.

Яна икки нафар вакилимиз — тоғ чанғиси спорти аъзолари Элмира ва Комил Урумбоевлар 3 февраль куни Америкага етиб боришади. Ҳозирда улар Чимён ўқув-машғулот базасида тайёргарликнинг сўнгги босқичини ўташмоқда.

**Т. РЎЗИЕВ.**







**“КАМАЛАК”**
**ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ**
**акциядорлари диққатига!**

*Эски паспорт билан ХИФ акцияларини сотиб олганларга 2002 йилдан бошлаб дивидендлар берилмаслиги туфайли янги паспорт ва акция сертификати билан қайта рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги манзилга акциядорларнинг келишлари сўралади.*

**Андижон шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 19-уй.**

*Маълумот учун телефонлар:*
*(8-3742) 24-41-00, 24-48-36.*

5248/74

**САВОЛ БИЗДАН...**

*Ойда ҳаво ҳарорати қанча?*

**136-35-60**

**Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:** *Симоб — 38,8 даражада эрийди.*

*Бу ҳақда янгийўллик Акмал Зокиров билан Ҳамидулла Суннатов хабар беришди.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати **Тоҳир Мирхўжаевич МИРОДИЛОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва унинг қариндошлари ҳамда яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази жамоаси марказ фахрийси **Миржалол МИРАЛИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси «Халқаро иқтисодий муносабатлар» факультети декани Абдужаббор Расуловга падари бузруквори **САТТОР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси «Халқаро молия институтлари» кафедраси мудири, и.ф.н., доцент Тўлқин Расуловга отаси **Саттор РАСУЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси «Йўл қурилиш машиналари ва жиҳозлари» кафедрасининг доценти Зокир Мақсудовга волидаи муҳтарамаси **МАҲБУБА онанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади







«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 83. 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — М. Носиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *топширилди: 22.00* 1 2 3 4 5 6